

VII. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Жамига нисбатан %
Жами хизматлар	43393,9	108,1	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
<i>хизмат турлари бўйича</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	328,4	102,2	7,6
молиявий хизматлар	427,0	114,0	9,8
транспорт хизмати	853,1	102,9	19,7
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизматлари	789,9	101,9	18,2
яшаш ва овқатланиш хизматлари	81,3	114,1	1,9
савдо хизматлари	1591,1	120,8	36,7
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	139,2	110,6	3,2
таълим соҳасидаги хизматлар	174,4	107,0	4,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	81,3	103,5	1,9
ижара ва прокат хизматлари	93,4	110,6	2,2
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	132,8	105,9	3,1
бошқа шахсий хизматлар	291,1	112,9	6,7
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	37,3	110,6	0,9
бошқа турдаги хизматлар	108,7	110,3	2,5

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (36,7 %), транспорт хизматлари (19,7 %), молиявий хизматлар (9,8 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (7,6 %) ташкил этади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (0,9 %), яшаш ва овқатланиш хизматлари (0,9 %) ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,4 %) эгаллади.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида бажарилган хизматлар таркиби
(фоизда)



2018 йил январь-сентябрь ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 4339,3 млрд. сўми ташкил қилди, шу жумладан қишлоқжойларида 1041,7 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 24,0 фоизини ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 104,1 фоиз).

“2017-2021-йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури”ни амалга ошириш натижасида 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан) 117,7 фоизга ошган ва жами хизматлар таркибида 7,6 фоизни ташкил этди.

Молиявий хизматлар 129,7 фоизга ошган ва жами хизмат таркибида 9,8 фоизни ташкил этди.

Транспорт ва алоқа хизмати 101,8 фоизга ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 19,7 фоизни ташкил этди.

Савдо хизмати 104,8 фоизга ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 36,7 фоизни ташкил этди.

Таълим соҳасидаги хизматлар 122,5 фоизга ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 4,0 фоизни ташкил этди.


Бошқа шахсий хизматлар 103,7 фоизга ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 6,7 фоизни ташкил этди.

Бошқа хизматлар 107,7 фоизга ошган бўлиб, жами хизмат таркибидаги улуши 2,5 фоизни ташкил этди.

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматлар ишлаб чиқарилиши

(2018 йилнинг январь–сентябрь ойларида)

млрд.сўмда



Худудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Наманган шаҳрига 1983,2 млрд.сўм (115,5 фоиз) ва Тўрақўрғон туманига 330,6 млрд.сўм (102,7 фоиз)га тўғри келди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Наманган шаҳри (3280,8 минг сўм), Мингбулоқ туман (1217,9 минг сўм) ва Наманган тумани (1202,9 минг сўм)ларида қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг 45,7 фоиздан ортиғи Наманган шаҳрига, Тўрақўрғон тумани (7,6%), Чуст тумани (5,9 фоиз), Поп тумани (5,4 фоиз), Чортоқ тумани (5,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 36,7 фоизи, транспорт (19,7 фоизи) хизматларига тўғри келади.

Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми
(2018 йилнинг январь–сентябрь ойларида)

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2017й. январь– сентябрга нисбатан фоизда	жами хизматлар ҳажмига нисбатан фоизда	минг сўм	2017й. январь– сентябрга нисбатан фоизда
Наманган вилояти	4339,3	108,1	100,0	1596,1	106,1
<i>шаҳар:</i>					
Наманган	1983,2	115,5	45,7	3280,8	113,4
<i>туманлар:</i>					
Мингбулоқ	148,0	102,4	3,4	1 217,9	100,5
Косонсой	204,1	102,1	4,7	1 014,5	100,1
Наманган	207,1	101,7	4,8	1 202,9	99,5
Норин	154,4	104,1	3,6	974,2	102,3
Поп	233,1	102,2	5,4	1 095,9	100,5
Тўрақўрғон	330,6	102,7	7,6	1 517,8	100,7
Уйчи	201,8	101,2	4,7	985,1	99,3
Учқўрғон	182,0	102,0	4,2	1 094,1	100,3
Чортоқ	224,9	101,8	5,2	1 170,0	99,9
Чуст	255,5	105,2	5,9	995,2	103,4
Янгиқўрғон	214,6	102,4	4,9	1 021,0	100,6